**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**________ сонли МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ (Битими )**

Тошкент шаҳри « ______ »__________ 200____йил

## 1. ТОМОНЛАР:

1.1. РШТЁИМ номидан Бош директор Хаджибаев Абдухаким Мўминович (кейинги матнларда «Иш берувчи » деб юритилади)

Фуқаро ____________________________________________________________

(фамилияси, исми, отасининг исми паспорти асосида тўлиқ ёзилади)

Мазкур шартномани қуйидаги хусусида туздилар.

## 2. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

2.1. Фуқаро ____________________________________________________________

(фамилияси, исми, отасининг исми)

____________________________________________________________га

(таркибий бўлинмасининг номи)

______________________________касби бўйича______________________________

______________________________________________лавозимига ишга қабул қилинади.

(штатлар жадвали бўйича лавозим номи)

2.2. Шартноманинг (битим) тури ______________________________________

____________________________________________________________

(номуайян муддатга, кўпи билан 5 йил муддатга, маълум ишни бажариш ва шу ишнинг номи)

2.3. Шартноманинг (битим)нинг амал қилиш муддати:

ишнинг бошланиши ______________________________________________

(агар шартнома (битим) маълум муддатга тузилган бўлса)

ишнинг тугаши ______________________________________________

2.4. Синов муддати ______________________________________________

(синовсиз, синовнинг давомийлиги)

## 3. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1.Фуқаро ____________________________________________________________

(фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ ёзилади)

эгаллаб турган вазифаси бўйича ишларни, мазкур шартнома шартларини бажаришни, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Меҳнат Кодекси ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга, Бош директорнинг буйруқларига, ҳамда зиммасига юклатилган вазифага мувофиқ юксак касбий маҳорат даражасида бажаришни, ички меҳнат интизоми ва меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя этишни, хизмат сирларини сақлашни ўз зиммасига олади.

3.2. Фуқаро______________________________ сифатида қуйидаги ишларни бажариш шарт:

____________________________________________________________

____________________________________________________________

(ходим зиммасига юклатилган вазифалар)

Фуқаро эгаллаб турган вазифаси бўйича бевосита бажариши керак бўлган мазкур шартноманинг 3.2. бандида кўрсатилган ишлардан ташқари қуйидаги мажбуриятларни______________________________

______________________________________________ ҳам бажаришни ўз зиммасига олади.

(ходим ўз зиммасига олаётган қўшимча вазифалар)

3.3. Фуқарога мазкур шартноманинг 3.1. ва 3.2. бандларида кўзда тутилган фаолиятини моддий-техника билан таъминлаш, иши сермахсул бўлиши учун иш жойида зарур маиший шароитлар яратиш;

3.4. Фуқаронинг хизмат вазифасини бажариш учун зарур бўлган қонунчилик ва норматив актлар, ахборотлар, адабиётлар билан таъминлаш;

3.5. Ҳам махсус ўкув юртларида, ҳам ишдан ажралмаган ҳолда ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш йўли билан малака ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш;

3.6. Эгаллаб турган лавозими бўйича ягона тариф ставкасида тасдиқланган иш ўрни ҳисобида белгиланган миқдорда ойлик меҳнат ҳақи тўлаш;

3.7. Фуқаронинг иш натижаларига қўшган муайян ҳиссасига қараб мукофот пуллари тўлаш;

3.8. Фуқарога ҳар йили навбат асосида _______ иш куни ҳисобидан меҳнат таътили бериш;

3.9. Ижтимоий суғурта ва нафақа учун қонун ва норматив актларда кўзда тутилган бадалларни тегишли жамғармаларга тўлаш, соғлиғини йўқотиш ва хизмат вазифасини бажариш пайтида юз берган бошқа бахтсиз ҳодисалар учун давлат суғуртасини таъмин этиш;
3.10. Фуқарога зарурий муддат тугагач ва аттестация (синов)дан ўтказилгандан сўнг хизмат вазифа бўйича белгиланган махсус шахсий унвонлар бериш, ҳамда ойлик маошига белгиланган хизмат вазифаси муддати учун устама ва махсус шахсий унвон учун қўшимча пул тўлаш.

**4. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ:**

4.1. Томонлар шартнома (битим) бўйича зиммага олинган мажбуриятларнинг лозим даражада бажармаганлиги учун Меҳнат Кодекси, меъёрий хуқуқий ҳужжатлар ва мазкур шартномага мувофиқ жавобгардирлар;
4.2. Мазкур шартноманинг (битим) 3.1. ва 3.2. бандида курсатиб ўтилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун фукаро қонунга мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилади.
4.3. Агар фукаро______________________________________________________га Қонунда кўзда тутилган жазолардан бири берилса, у холда унга ана шу жазо қўллангунга қадар иш якунлари бўйича бериладиган мукофот пули тўланмайди. навбатдаги махсус шахсий унвоннинг берилиши кечиктирилади.
4.4. Агар иш берувчи шартнома (битим) бўйича олган мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли шартнома шартлари лозим даражада ижро этилмай қолинса бунинг учун фукаро жавобгар бўлмайди.
4.5. Томонлар ўртасида юзага келган меҳнат низолари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси талаблари асосида ҳал этилади.
4.6. Ушбу шартноманинг бажарилишига тўсиқ ёки қарши бўладиган шароитлар туғилган ҳолларда бу хақда томонлар меҳнат қонунларида белгиланган муддатда бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

**5. ШАРТНОМАНИ (БИТИМ)НИ ЎЗГАРТИРИШ, УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ҚАЙТА ТУЗАТИШ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТЎХТАТИШ:**

5.1. Мазкур шартноманинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш факат томонларнинг ёзма келишувлари асосида амалга оширилади.
5.2. Янги вазиятлар пайдо бўлиши билан (меҳнат шартларининг, лавозимларининг ўзгариши бошқа бўлимга ўтиш ва шу кабилар) маълум вақтга тузилган шартнома томонларнинг келишуви бўйича қайта тузилиши мумкин.
5.3. Шартномани меҳнат конунларида белгиланган асослар бўйича бекор қилиш мумкин.
5.4. Фукаро ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада мунтазам бажармаслиги ҳолларида ва шартнома муддати тугаганда белгиланган тартибда бекор қилинади.
5.5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида кўзда тутилган асослардан ташқари иш берувчининг мажбуриятларини мунтазам равишда бажармагани ёки ходим хуқуқини чегараловчи ва унга хилоф карорлар қабул қилинганда фуқаронинг ташаббуси билан шартнома амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилади.

**6. ТОМОНЛАР МАНЗИЛИ:**

**6.1. Муассаса бўйича маълумотлар: Республика Шошилинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази**
телефони: 150 46 00

**6.2. Фуқаро хақидаги маълумотлар:**

Яшаш жойи: __________________________________________________
Уй телефони: ________________________паспорти __________________________

6.3. Мазкур шартнома икки нусхада - хар томон учун биттадан тузилади ва у имзоланган кундан кучга киради.

Шартномага қуйидагилар илова қилинмокда: 1.Ходимларни ҳисобга олиш варақаси. 2.Таржимаи ҳол. 3.Маълумоти тўғрисида тасдиқловчи ҳужжаллар: диплом (гувоҳнома), шахсини тасдиқловчи паспорт, ҳарбий гувоҳнома. 4. Турар жойидан маълумотнома. 5.Меҳнат дафтарчаси.

**ИШ БЕРУВЧИ РШТЁИМ Бош директори** **ФУҚАРО** ______________________________

__________________________________ __________________________________

РШТЁИМ ҳуқуқшуноси______________________________________________